

МУСУЛМОН ЖАМИЯТИДА БОШЛАНГАН ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ, ИСЛОҲОТЛАРГА ЕВРОПА ВА РОССИЯДАГИ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГА ТАРИХИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ТАЪСИРИ

Абдулкадиров Л. В.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

XX аср тарих саҳнасида борган сари сиёсий ва иқтисодий, илмий ва маданий соҳада куч ва қудрат эгасига айланган. Европа мамлакатларининг олиб борган мустамлакачилик фаолиятлари Россия ва Туркия орқали албатта Марказий Осиё мусулмонларига таъсир қилмасдан қолмади. Сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг деярли барча соҳаларида рўй берган ислоҳотлар минтақадаги ойдинларни режалаштирган янгиланиш жаранларига янада чуқур ва теран назар билан қарашга ундади [1]. Юқорида қисқача санаб ўтган зиёлилар гуруҳи асосан уламо ва савдогарлардан иборат бўлган, ораларида оддий ишчи ёки деҳқонларни учратиш жуда қийин эди. Уларнинг Европа мустамлакасига қарши туриш кучлари ва ҳимоя қуроли бу – ҳам диний ва ҳам дунёвий илмларни чуқур билганликлари бўлган. Россия, Европа ва Шарқнинг кўплаб мамлакатларида сафарда бўлиб, у ёқдаги маданий ва ижтимоий ҳаёт билан яқиндан танишиш имконият доираси кенг бўлган. Россия, Европа ва Усмонилар империясининг энг нуфузли ўқув даргоҳларида таълим олган жадидчилик ҳаракатининг тарафдорлари миллий ва диний қадриятларга катта ҳурмат билан қарар эдилар, эскириб қолган диний таълим тизимини ҳимоя қилувчи ва айни шаклда фикр юритишдан воз кечмаган маҳаллий уламо ва руҳонийлар билан ҳам жиддий низо чиқармасдан доимо мураса йўлини топишга ҳаракат қилганлар.

Янгиланиш жараёнининг иштирокчилари Европа таъсирини ҳис қилиш билан кифояланмасдан, Ғарб ислоҳот моделини ўзлари учун асосий ўрнак қилиб танладилар [2]. Бошқа бир ибора ишлатадиган бўлсак, Ғарбдаги жадидчилик ва ислоҳотчиликнинг намоёндалари илгари сурган фикрлари ва асарлари Марказий Осиё жамиятидаги айни ҳаракатнинг ғоявий тамалини ташкил қилган эди. Волга-Уралбўйи минтақаси орқали Марказий Осиёга кириб келган Ғарб ислоҳотчилигидан таъсирланган жадид раҳбарлардан аввало Исмоил Гаспринский (Гаспиралиев) (1851-1914) ни эсламасликнинг иложи йўқ. Чунки, у 1893 –чи йилдан бошлаб Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийсида усул-и жадид мактабларини очилишга раҳбарлик қилди ва жамиятимиздаги янгиланиш жараёнининг тамал тошларини қўйган инсонлардан бири сифатида ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирди [3].

Европадан келган таъсир Марказий Осиё жамиятларида биринчи навбатда таълим соҳасида ўзини кўрсатди, десак ҳақиқатдан унчалик ҳам йироқ бўлмаймиз [4]. Фақат минг афсуски, Чор Россиясига сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан буткул қарам бўлган маҳаллий хонлар ва амирлар Европача усулдаги бу мактабларга қарши чиқдилар ва русларнинг гиж-гижлаши билан улар 1914-чи йили Бухорони бекитдилар ва ўқитувчиларга маориф соҳасида фаолият юритишни ҳам таъқиқландилар. Шундан сўнг бунга ўхшаш ҳолатлар мунтазам такрорланавергач, минтақадаги янгиланган тарафдорлари махфий ташкилотлар қуришга ва яширинча фаолият олиб боришга мажбур бўлиб қолдилар. 1908-чи йилда Бухорода Аҳмад Жон Махдум, Садриддин Айний, Усмон Хўжа биргалашиб, Тарбия-и атфол номида яширин ташкилот қурдилар ва Европадан ўрганиб келган таълим усуллари тadbик этишга уриндилар [5].

Мақолаимиз мавзусида ўша замоннинг ёрқин намоёндалари Европадан илҳом олган ҳолда қуйидаги янги ва замонавий беш тамойилни ишлаб чиқардилар:

1. Ёшларни тамоман янги усулда тарбия қилиш ва ушбу мақсадда янгича мактаблар очиб, газета ва китоблар нашрини йўлга қўйиш, Европа ва Туркиянинг илғор фикрли ёзувчиларининг асарларини таржима қилиш ва кенг халқ оmmasига таништириш.
2. Ёски уламанинг душманлиги ва жараёнга қўяётган тўсиқлари билан курашиш, бунинг учун аввало мадрасаларни, кейин эса мусулмонларнинг онгини тубдан ўзгартириш билангина амалга ошиши мумкин.
3. Ҳуқмрон синфларда кенг ёйилган ахлоқсизлик ва коррупция, бюрократия ва маҳаллийчилик билан курашиш.
4. Бухоройи шарифни замонавий, инсон ҳуқуқларининг Европа даражасида таъмин қилинган ва ҳимояланган демократик монархия амирлигига айлантириш.
5. Мазҳаблар орасидаги низоларга барҳам бериш ва диний эркинликни таъминлаш.

Европадан келган янгиланиш ҳаракати таълим-тарбиядан ташқари, яна театр ва матбуот соҳаларида ҳам яққол кўзга ташлана бошлади. Масалан, буюк аждодимиз, ёзувчи, публицист, муфтий, педагог ва сиёсат арбоби бўлган Махмудхўжа Бехбудий (1874-1919) [6] ни алоҳида тилга олиб ўтишни ўринли деб ҳисоблаймиз. Бухородаги машҳур Мир Араб мадрасасини тугатган Бехбудий замонанинг эскичилик тарафдорлари бўлган руҳонийлар билан келиша олмади ва Самарқандга кетиб, 1903-чи йили Туркистондаки илк усул-и жадид мактабини очди. Марказий Осиё жамиятининг янгича фикрлашга ўргатишда Бехбудий театр ва матбуотнинг ролини яъни, замонавий тил билан айтганда ОАВнинг қанчалик самарали бўлишини яхши билар эди. Илк ўзбек драма асари – Падарқуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли номли пьеса ҳам унинг қаламига оид бўлган ва Бехбудий замонасида кўрган-кечирганларини ёшларга танбех ва насиҳат сифатида кўрсатишга ҳаракат қилди. Асар биринчи марта 1913-чи йилда Тошкентда саҳналаштирилди ва Бехбудийнинг ўзи режиссёрлик вазифасини бажарди. 1913-1915-чи йилларда Бехбудийнинг бош бўлиб нашр қилган Ойна журнали эса Туркистон матбуоти тарихидаги биринчи журнал бўлди. Европа намоёндалари томонидан Париж ва Лондон саҳналарида тақдим

этилган ва томошабинларнинг катта қизиқишга сабаб бўлган “Фигаронинг уйланиши”, “Сохта аслзода”, “Мюллер оиласи” каби жамиятдаги маиший бузуқлик, қоқоқлик, саводсизлик ва илмсизликни ўткир тилда танқид қилинганлигидан илҳомланган Бехбудий ва унинг издошлари театр санъатини қўлдан келганча ривожлантиришга ҳаракат қилди [7]. Марказий Осиёдаги янгиланиш тарафдорлари Татаристондан кириб келган Исмоил Гаспринский ғояларидан илҳомландилар. Шу билан бирга улар ўз стратегияларини мусулмон мамлакатлари тупроқларида, биринчи навбатда Туркистон ва Усмонли Турклар империясида Европадан илм-фан соҳасида ўрганган ютуқларини сингдириш билан бу ердаги қоқоқ мафкура ва эскича ёндашувларга қарши устуңлик қила оладиган мафкурани кўрсата лишдан иборат эди. Ўша даврда, ҳатто бугунги кун учун ҳам бунга ўхшаш жасоратли ва порлоқ ғояларни эътироф этмасдан иложимиз йўқ. Голландияда 1700-чи йилларда, яъни XVIII асрда бошланган черковни давлатдан айириш ва унинг жамиятдаги кучли таъсирини чеклаш ҳаракатлари бир муддатдан кейин Мартин Лютер Кинг ва собиқ француз католик руҳонийси Гораційнинг Женевадаги нутқида, француз буржуа инқилобида акс этди ва сезиларли натижаларни майдонга чиқарди. Черков илм-фан ва тараққиёт тўсиғи деб эълон қилинди ва у билан бирликда монархия ҳам жамиятдаги эски куч-қудратининг салмоқли ҳиссасини қўлдан бой берди [8].

Бизнинг жадидчилик намояндалари ва Европадаги жадидчилик намояндалари каби Буюк Британия, Голландия ва Европанинг бошқа мамлакатларидаги ҳукмрон монархияни амалга оширгани каби биздаги жараёнларни ҳам конституцион монархия ҳолига келтириш ва эскича фикрлашдан, замондан орқада қолган мадраса усули таълимидан воз кечишни асло истамаган ва тиш-тирноғи билан қарши чиққан эскилик тарафдорларига қарши ғоявий курашни бошладилар. Ўша пайтда мусулмон жамиятидаги янгиланиш жараёнларининг икки асосий муҳолифлари бўлган. Биринчиси анъанавий мусулмон уламолари бўлса, иккинчиси рус ҳокимияти тарафдорлари ҳисобланган маҳаллий амирлар ва беклар бўлган. Юқорида келтирилган мақолаимиз давомини кейинги бўлимларга батафсилроқ ёритишга ҳаракат қиламиз.

Жумладан, жамиятдаги янгиланиш жараёнларига маҳаллий аҳоли ва ҳукмрон синфларнинг муносабати қандай бўлган деган савол туғилиши табиий. Шу сабабли, ушбу жавобга батафсилроқ жавоб олиш учун мақолаимизни давом эттирамиз. Мақоланинг юқоридаги қисмида Марказий Осиё жамиятларидаги янгиланиш жараёнининг ҳар қанчалик давр руҳи ва талабларига кўп жиҳатдан жавоб беришга ҳаракат бўлди. Миллат ғами учун даво излаган намояндаларнинг фаолияти қанчалик оғир бўлмасин, улар ўша даврда кўп тўсиқ ва қаршиликларга дуч келгани қисқача баён этилди. Бу қисмда эндиликда улар ҳақида кенгроқ ва батафсил маълумотлар келтирилади ва баъзи хулосалар тақдим этилади.

Мавзуга тўғридан киришдан олдин, Россиядаги мусулмон жамиятларида бошланган янгиланиш жараёнларининг баъзи хусусиятларини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Марказий Осиёда бўлгани каби, у ерда ҳам жадидчилик ҳаракатининг ёрқин намояндалари ва зиёлиларига қарши чиққанлар маҳаллий руҳонийлар ва ҳукмрон синф вакиллари бўлишган. Натижада Россия мусулмонлари янгилик ва эскилик тарафдорлари ўлароқ икки гуруҳга айрилдилар. Масалан, Сибирь мусулмонлари жамиятининг етакчиларидан бири Абдулрашид Иброҳимов ва дўстлари тамоман саодат асридаги каби исломий принципларга асосланган ва шариятнинг конституция вазифасини бажариши керак бўлган жамият ва давлат моделини ўртага чиқардилар ва буни мусулмонлар учун ягона нажот йўли деб эълон қилдилар [9]. Америкалик тарихчи ва ёзувчи, Россия ва Марказий Осиё тарихи бўйича мутахассис Оливьер Ройнинг фикрига кўра, Россия ва Марказий Осиёдаги мусулмон жамиятларидаги етакчиларнинг олға сурган янгиланиш лойиҳасини Усмонли Туркларда шаклланган Ёш Турклар ва лойиқлар (толерант, дунёвий) билан қиёслаш мумкин [10]. Рой Ёш Усмонли Турклар деб номланган бу ҳаракатнинг янгиланиш дастурини Туркистонликларга Татаристон ҳаракатидан кўра яқинроқ ва муносиброқ деб ҳисоблайди. Ҳам Усмонлилардан, ҳам Россиялик мусулмонлардан илҳом олган Марказий Осиё жамиятининг янгилик тарафдорлари Исмоил Гаспринский, Европа намояндалари ва маҳаллий зиёлиларнинг энг илғор фикрларини тўпладилар ва замоннинг шарт-шароитлари ҳамда миллий менталитетга мослаштириб ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилдилар. Марказий Осиё жамиятидаги янгиланиш тарафдорлари бу машаққатли ва шарафли йўлларида кўп тўсиқларга дучор бўлганликларини мақоланинг бу бўлимида мухтасар бир шаклда баён қилишга ҳаракат қиламиз.

Чор Россияси минтақамиздаги хонлик ва амирликларни ўз таркибидаги мустанлакалар деб эълон қилиш чоғида, маҳаллий ҳукмронлар ва уламо-ойдин синфга Туркистон вилоятининг диний ва маданий ҳаётига асло аралашмасликка тантанавий равишда ваъда қилган эди. Ҳатто жамият ичида миллий истиқлол ва ўзликни англаш ҳаракатлари аста-секин шаклланмасин деган ният билан маҳаллий зиёлиларга иззат-ҳурмат кўрсатилди ва зодагон оилаларнинг фарзандлари Россиянинг маҳаллий аристократлари учун мўлжалланган олий ўқув юртларига юборилди. Ҳатто илк пайтларда жадид мактабларининг очилишига расмий рухсат ҳам берилди ва илғор муаллимлар олқишланди [11]. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Чор Россияси Қозон ва Қрим каби минтақаларда очилган янги усул мактаблар ва мадрасаларга қаршилик қилмаган ва маълум бир даражада қўллаб-қувватлаган бўлсада, бир муддатдан кейин янгиланиш жараёнининг Кавказ ва Марказий Осиёдаги жараёнига шубҳа билан қарай бошлади ва бора-бора унинг муҳолифчисига айланди.

Бу жараён ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун замонанинг машҳур жадидларидан ва уламоларидан бири ҳисобланган Муҳаммад Шарифжон Махдум (1865-1931) Форс-Тожиқ тили онтологиясини тузган адиб ва қози бўлибгина қолмасдан, машҳур зиёли Аҳмад Дониш (1827-1897)нинг шогирдларидан бири эди. Махдум маҳаллий эскилик тарафдори бўлган уламанинг янги усул мактаблари ҳақида куракда турмайдиган игво ва

бўхтон тарқатиб, оддий инсонларни унга қарши гиж-гижлашига қарамай, Бухоро ва атроф-туманларда янги усул мактабларни очишдан воз кечмади [12].

Тарихий манбаларда маълумки, Аҳмат Дониш Марказий Осиёда жамиятнинг янгиланишга қанчалик кучли эҳтиёжининг бўлганини теран идрок этган намояндалардан бири эди. 1856, 1860 ва 1870-чи йилларда Бухоро амирининг топшириғи билан Россияга жўнатилган дипломатик миссияларда қатнашган Аҳмад Дониш ривожланиш йўлида бўлган ва черковнинг таъсирини чеклаган Европа жамиятлари билан Бухоро, Самарқанд, Тошкент каби бир пайтлар ислом маданиятининг бешиги бўлган марказларнинг қай аҳволга тушганлигига ўз кўзи билан кўрган ва бунинг гувоҳи ҳам бўлган. Дониш бу муаммони ҳал қилиш учун аввало таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш кераклигини таъкидлар, ёзган асарларида ҳукмрон синфнинг олиб бораётган сиёсатидаги нуқсонларни, жамиятдаги иллатларни аямасдан танқид қилар эди. Унинг энг машҳур асарларидан бири бўлган “Таржимаи аҳволи амирони Бухоройи шариф” китобида Бухоро амирлигининг ўша пайтдаги сиёсий ва маъмурий тизимини обдон танқид қилган эди [13, 288]. Фақатгина таълим ва маърифат йўли орқали жамиятни қутқариш мумкинлигини ҳар ерда тап тортмасдан сўзлаган Дониш рус тили ва адабиётини ўрганишнинг қанчалик долзарб масала эканлигини ҳам доимий равишда ёшларга уқтириб келди. Анъанавий араб ва форс тиллари билан бир қаторда русчани ўрганиш кераклиги ҳақида Дониш, Бехбудий ва бошқа зиёлиларнинг олға сурган фикрлари табиий ки, маҳаллий эскича фикрлайдиганларга, мустамлакачиларга асло ёқмасди. Аҳмад Дониш рус ва инглиз, немис ва француз тили ва адабиётини пухта ўрганишга ихтисослашган янги мактаб ва ҳаттоки дорилфунуннинг лойиҳасини Амирга тақдим этди. Фақат минг афсуслар бўлсинки, Амир лойиҳани рад этди ва зиёлини саройдан бадарга қилди [14].

Тарихда маълумки, Туркистон вилоятидаги илк жадид мактаблари 1897 йили Андижонда, 1898-чи йилда эса Самарқанд ва Тўқмоқ шаҳарларида очилган эди. Бу мактабларда таълимнинг маҳаллий тилда берилиши, рус тили билан бирга Европа тилларининг ҳам ўргатилиши ва ўқувчиларнинг дарсларни катта қизиқиш билан тинглаши рус бошқарувчиларни катта ташвишга солди. Рус шарқшуноси ва миссионери Николай Ильминский (1822-1891) ва Николай Остроумов (1846—1930) кабилар минтақадаги янгиланиш жараёнининг олдини олиш учун жадид мактабларига қарши инсонларда шубҳа уйғотиш ва жараён фаолларини назорат қилиб бориш учун алоҳида хайъат ҳам туздилар. Остроумов Тошкент муаллимлар рус олий мактабининг мудир эди ва 1882 йилнинг 30 август куни “Рус бўлмаганларнинг ва мусулмонларнинг таълим-тарбиясини қайси принципларга асосан қуришимиз керак?” деган мавзудаги фавқуллодда бир мажлис чақирди [15, 8-14]. Бу мажлисга қатнашган ва Туркистон ўлкасининг фуқароларига қарши таҳқирловчи муносабатини ҳеч қачон яширмаган география ўқитувчиси Миропиев номли шахс жу жумлани айтди: “Исмоил Гаспираливдан ўрнай олиб жонланиб қолган бу янгича мусулмонларнинг қилаётган ишларига индамай қараб тураверсак, қўйнимизда илон сақлаган бўламиз. Бу янгича фикрлар уларга келмасдан туриб деярли йўқ бўлиб кетиш, яъни ўзгарувчанлик остонасида турган эдилар. Бизнинг ҳозирги кундаги илк мақсадимиз-исломни ва маҳаллий урф-одатларни ичидан бузмоқ, янгича таълимни ўйлаб топганларни кириб ташлаш ва буларни тамоман руслаштиришдир [16].”

Яна бир муҳим жиҳат Россиядан ташқари бошқа чет мамлакатларда диний таълим олиб қайтган ёшларнинг дин ва маориф соҳасида фаолият юритишлари таъқиқланди. Хусусан, Туркия, Миср ва Саудия Арабистонида нуфузли мадрасаларни муваффақият билан битирган ёшлар бу таъқиқ туфайли яна чет элга кетишга, ёки бошқа соҳа билан машғул бўлишга мажбур бўлдилар. Мустамлакачиларнинг муддаоси ҳам шу эди. Бир муддатдан кейин эса ҳаттоки Россиянинг бир парчаси ҳисобланган Оренбургдаги Ҳусайнов ва Уфадаги Олия мадрасалари ҳам танқид қилина бошланди [17]. Бу воқеаларга оид полиция ҳисоботлари ва жосусларнинг махфий мактублари истиклол йилларидан сўнг АҚШ олимлари томонидан базъи манбаларда эълон қилинди [18].

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда, шуни ишонч билан айтиш мумкин, Туркистондаги рус ҳокимияти жамиятда бошланган янгиланиш жараёнларига тўсиқ бўлиш учун икки йўл тутди: **биринчиси**; Романовлар таълим вазирлигининг тасдиқлаган дастури бўйича таълим олиб борадиган рус мактабларининг сони кўпайтирилди ва маҳаллий ўқувчилар уларга кириб ўқиш учун ҳар турли ташқиқот ишлари олиб борилди; **Иккинчиси**; эса эски тизимдан воз кечишни истамаган ва янгиликдан қўрққан уламоларни янгиланган тарафдорларига қарши гиж-гижлаш ишлари авжига олди.

АДАБИЁТЛАР

1. Helene Carrere d'Encausse, Islam and the Russian Empire Reform and Revolution in Central Asia, London: I. B. Tauris & Co. Ltd., 1988, s. 62; M. Nazif Sbahrani, "Milli Mefkura: The Making of Uzbek National Identity," Кавказ ва Марказий Осиё халқаро конференцияси, Анкара, 1995 май ойи, нашр этилмаган мақоланинг қисқача матни, б.4.
2. Александр Беннигсен, Soviet Muslim Intelligentsia in Central Asia, Ideologies and Political Attitudes, Анкара, Asian-African Research Group, 1986, б. 2
3. Бегали Қосимов, "XX. юзйил бошларида Туркистондаги Жадидчилик оқимининг асосий хусусиятлари" Евросиё Этнолари журналы, ж. 2, с.3, Истанбул, 1995, б. 88; Исмоил Гаспринский ҳақида кўпроқ маълумот учун: А.Н.Юзеев, Татарская философская мысль конца XVIII-XIX века.
4. Абдуллоҳ Ражаб Бойсун, Туркистон Миллий Ҳаракатлари, Истанбул, 1945, б.16.
5. Иброҳим Қалқон, Совет замонидан олдин Марказий Осиё ойдинлари ва ўзгариш жараёни, Отатурк университети Туркиёт мақолалари журналы, 14, Эрзурум, 200, б.8.
6. Бехбудийнинг ҳаёти ва шахсияти билан боғлиқ эътиборга лойиқ илмий ишлардан бири: Edward Alworth, "The Changing Intellectual and Literary Community, Central Asia: 130 Years of Russian Dominance, Duke University Press, 1994, б. 363.
7. Ўзбек миллий театри ва жадидларнинг ундаги роли ҳақида қаранг: И.А. Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» Маънавият, Т. 2008; Ризаев Ш. Ўзбек драматургияси ва театрининг асосчиси // Театр, 2006, №1.-Б.10-12; Сирожиддин

- Ахмад, Гулом Зафарий: Фаолият. Кисмат // Шарк юлдузи, 2004. Иккинчи фасл.-Б.1 Узбекский Советский театр. Книга первая. – Ташкент: Наука. 1966, С.81-86; Турсунов Т. XX аср узбек театр тарихи 1900 -2007. // Т., 2010.
8. Бу мавзуда кўпроқ маълумот олиш учун қаранг; Кром М.М. Рождение государства Нового времени в России и в Европе: сравнительно-историческая перспектива.//Труды кафедры истории России с древнейших времен до XX века. Спб.: Изд-во СПбГУ, 2006. С.27-36.
 9. Сибир ва Татаристон мусулмонларининг бу мавзудаги ғоялари билан яқиндан танишиш учун қаранг: Исмоил Гаспринский, Сирот-и мустақим номли конференцияда Тедрисат-и умумие номли ҳисобот матни, 1909, с: 48, s. 345-346s. 359-364). <http://www.ismailgaspirali.org/yazilar/mcandir>, Истанбул, 12 декабрь, 2012.
 10. Оливер Рой, The new central asia: The creation of nations. New York, 2007, Б.35
 11. Hunter T. S. & Malik H., Modernization, democracy, and islam, Greenwood Publishing, 2005, Б. 297-298
 12. Ingeborg B., (2001). Jadidism in central asia within reformism and modernism in the muslim world. Die Welt des Islams. New Series, T. 41, № 1, Б. 72-88. Hanioglu Ş., Preparation for a revolution: The young turks, 1902-1908. Oxford University Press, 2001.
 13. Иброҳим Ёркин, "19.асрнинг иккинчи ярмида Бухорода ислохотчи мутафаккир Ахмад Дониш, Турк маданияти журнали, № XVI, Анкара/ Ноябрь 1977, Б. 45. -288.
 14. Khalid A., 2001. Representations of Russia in Central Asian Jadid Discourse. In Brower R. D. & Lazzerini J. E., , Russia's orient, imperial borderlands and peoples, 1700-1917 (pp.188-226). Bloomington, Indiana University Press. Kırımlı H., (1996). National movements and national identity among the crimean tatars: (1905-1916). Brill
 15. С.Нўгаев.Тилда, фикрда, ишда бирдамлик (Исмоил Гаспринский ва Туркистон) Қардош адабиётлар журнали, 2005, №, 26.
 16. Бетгер Е. К. «Туркестанский сборник» и участие в нём А. А. Семенова. Труды Академии Наук Таджикской ССР, том XVII, 1953 год, с. 45. Касымова А. Г. «Туркестанский сборник». Ташкент: Фан, 1985 г., стр. 30., Туркестанский Сборникнинг РАН Марказий Архивида сақланган Т.361,б.144.
 17. Pırmanov, Kapreyeva A. & Kapreyeva A. (1997). Kazak inteligetsiyası. Almatı, Atamura
 18. Starr F. S., (2011). Ferghana valley: The heart of central asia, Б.85-87.

Аннотация. Мазкур мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Марказий Осиё мусулмон жамиятида бошланган янгиланиш жараёнлари ва уларнинг шаклланишига Европа ҳамда Россиядаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришларнинг таъсири таҳлил қилинган. Жади́дчи́лик ҳаракатининг ғоявий манбалари, таълим соҳасидаги ислохотлар, матбуот ва театрнинг маърифатпарварликдаги ўрни, шунингдек, Исмоил Гаспринский, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Ахмад Дониш каби маърифатпарварларнинг фаолияти ёритилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, жади́дчи́лик, янгиланиш жараёни, Европа таъсири, ислохотлар.

Аннотация. В данной статье анализируются процессы обновления, начавшиеся в мусульманском обществе Центральной Азии в конце XIX - начале XX веков, и влияние социально-политических и культурных изменений в Европе и России на их формирование. Освещены идейные истоки джадидского движения, реформы в сфере образования, роль печати и театра в просвещении, а также деятельность таких просветителей, как Исмаил Гаспринский, Махмудходжа Бехбуди и Ахмад Дониш.

Ключевые слова: Центральная Азия, джадидизм, процесс обновления, европейское влияние, реформы.

Abstract. This article analyzes the renewal processes that began in Central Asian Muslim society in the late 19th and early 20th centuries, as well as the influence of socio-political and cultural changes in Europe and Russia on their formation. The ideological sources of the Jadid movement, reforms in the field of education, the role of the press and theater in enlightenment, as well as the activities of enlighteners such as Ismail Gasprinskiy, Mahmudhoja Behbudi and Ahmad Donish are highlighted.

Key words: Central Asia, Jadidism, renewal process, European influence, reforms.